



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 25-may • Seshanba • 61 (31.181) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 май куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисининг иштирокчиларини қабул қилди.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида бўлажак саммитга тайёргарлик ишлари сарҳисоб қилинди ҳамда саммитда қўриб чиқиладиган ҳужжатлар белгилаб олинди. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши ШХТни янада ривожлантириш ва нуфузини оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди, — деди Президент Ислам Каримов.

Оқсаройдаги учрашувда ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда бўлажак мажлисига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустақамлашга доир долзарб масалалар қўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ШХТнинг турли тузилмалари томонидан қарорлар қабул қилиш механизмининг оптималлаштириш ва янада такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратди. Учрашув қатнашчилари давлатимизнинг ШХТ нуфузини янада ошириш, Марказий Осиёда сармоявий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш борасидаги саяё-ҳаракатлари муҳим аҳами-

ятга эга эканини таъкидладилар. Меҳмонлар қайд этганидек, Ўзбекистоннинг ШХТни ривожлантириш стратегиясини белгилашдаги, шу билан бирга ҳозирги замон халқаро сиёсатида оид кўлаб масалалар бўйича фаол позицияси юксак самаралар бермоқда. Мамлакатимизнинг бундай нуфузли халқаро ташкилотга раис сифатидаги фаолияти натижасида БМТ Бош ассамблеяси бир овоздан БМТ билан ШХТ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Резолюцияни қабул қилди, шунингдек, ушбу ташкилотлар котибиятларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Мазкур ҳужжатларда икки ташкилот ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари ва истиқболлари белгилаб берилган.

ШХТга аъзо давлатлар ташқи сиёсат маҳкамалари делегациялари раҳбарлари самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик изор этиб, Тошкентда бўлажак ШХТ саммити тадбирлари юксак савияда ўтишига ишонч билдирдилар.

(ЎзА)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 22 май куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғистон Республикаси Давлат котиби — ташқи ишлар вазири К.Саудабаев, Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Цзечи, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари — Қирғизистон Республикасидан ШХТ миллий мувофиқлаштирувчиси Т.Макеев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири С.Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳ.Зарифий ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов иштирок этди.

Мажлисида ШХТ Бош котиби М.Иманалиев ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Ижроия қўмитаси директори Ж.Жуманбеков иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов делегациялар раҳбарларини қабул қилди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар ва-

зирлари кенгашининг мажлиси Ўзбекистон томони раислигида ўтди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида (Тошкент, 2010 йил 10-11 июнь) тайёргарлик юзасидан Ташкилот доирасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид қатор долзарб вазифалар қўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда.)



ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

уяли алоқа воситасидан фойдаланишни тартибга солиш масаласи ЎзХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган семинарда муҳокама қилинди

«Баркамол авлод йили муносабати билан ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги семинар қизғин баҳсларга бой бўлди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура, «Ўзстандарт» агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

— Юртбошимиз раҳнамо-

лигида ёшларимизни ҳам жиҳмонан, ҳам маънан соғлом қилиб вояга етказиш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев. — Бундан 12 йил олдин қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Мил-

лий дастури ва 2004 йилда унинг мантқий давоми сифатида эълон қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг амалдаги ижроси таълим-тарбия соҳасида, умуман халқимиз ижтимоий ҳаётида туб бурилиш ясади, десак, муболага бўлмайди.

2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берилиши муносабати билан ёшларга бўлган эътибор янада юксак поғонага кўтарилди. Давлат дастурида белгиланган энг муҳим вазифалардан бири — ёшларимизга оид мавжуд ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, уларга за-

мон талаби даражасида тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, янги ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиб, қабул қилишдан иборат.

Бугун таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларидан фойдаланиш масаласига катта эътибор қаратилган. Интернет, уяли телефон алоқаси ва бошқа ахборот технологияларидан фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд.

2-бет >>>

Жамғариб
бориладиган
пенсия —
ижтимоий
муҳофаза
кафолати > 2

Визасиз
тартиб



> 3

Йўллар
Андижонда
туташади



> 4

—Ўзбекистонни қўришни анчадан бўён орзу қилар эдим. Истиқлолга эришганингиздан бўён қўп вақт ўтмаган бўлса-да, мамлакатингиз улкан ютуқларни қўлга киритганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар қатори бизнинг давлатимиз ҳам ибрат олса арзғулик жиҳатлари қўп экан. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатингизда юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини нафақат сақлаб қоллишга, балки улкан юксалишга эришилаётгани жуда қувонарлидир. Буларнинг барчаси юртингизда юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самараларидир».

Дентон ПАРАВА,
Соломон оролларининг
Марказий банки раиси

Соғлом авлод —
бизнинг келажагимиз!

Кафтимиздаги болалар...

Республикамизда полиомиелитга қарши миллий эмлаш қўнларининг биринчи (17-23 май) босқичида 2 миллион 900 минг нафар бола эмланди, 7000 та тиббий муассасада 7746 та бригада ташкил қилинди. Уларда 10000 нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари иштирок этди



Қўриб-билиб турибмиз, мамлакатимизда болалар соғлигини ҳимоялаш йўлида қилинган саяё-ҳаракатлар бугун ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Хусусан, 1995 йилдан бери республикамизда болаларда учрайдиган ўткир шол (полиомиелит) касаллиги қайд этилмаган.

3-бет >

1 САВОЛГА ЖАВОБ

«Партия ташкилоти етакчиси қандай бўлиши керак, бугун ундан нима-лар талаб этилмоқда?»




Шоҳодат ИБРАГИМОВА,
ЎзХДП Денов туман кенгаши
«Фаол аёллар» қаноти
етакчиси:

— Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш жараёни сиёсий партиялар зиммасига жиддий масъулият юкламоқда. Шундай экан, партия етакчилари талабчан, сиёсий билимдон бўлишини ва энг муҳими, ишнинг кўзини билишини даврнинг ўзи талаб этмоқда. Уларнинг ўз ишига садоқати партиянинг жойлардаги обрўсини белгилайди.

Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустақамлашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бу, биз «Фаол аёллар» қаноти етакчилари ишимизни замон талаблари асосида ташкил этишимизни тақозо этади. Жойлардаги аёллар билан узлуксиз ишлаш, уларнинг сиёсий билимини ошириш, фаоллигини кучайтириш долзарб вазифадир.

Агар биз, партия етакчилари ҳар бир оиллага қириб борсак, одамларда партиямиз ғояларига хайрихоҳлик уйғотсак, шунда биз кўтараётган масалаларни жамоагчилик қўллаб-қувватлайди. Электоратнинг ҳаётига, турмуш муаммоларини ҳал этишга бевосита ҳисса қўшмай туриб, унга ҳамдам, ҳамнафас бўлиш қийин.



25 май об-ҳавоси

Шароит	Температура	Шароит	Температура
Тошкент	28°C	Лондон	19°C
Самарқанд	27°C	Париж	24°C
Нукус	25°C	Москва	12°C
Корша	28°C	Мадрид	25°C
Ургоч	25°C	Пекин	16°C
Навоий	27°C	Гонконг	24°C
Фарғона	26°C	Рин	20°C
Буюр	27°C	Анқара	17°C
Андижон	26°C	Токио	21°C
Наманган	26°C	Стокгольм	13°C
Термиз	31°C	Кейптаун	22°C
Жиззах	25°C	Қоңра	26°C
Сардари	25°C	Гавано	33°C
Тошкент ян.	27°C	Вашингтон	16°C

Озод мамлакатнинг озод фарзанди, билиб қўйки, сени Ватан кутади!



Қалбларда ҳаяжон,
юракда титроқ,
СЎНГГИ
ҚЎНФИРОҚ!

4-бет >

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ ТЎГРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Долзарб минтақавий ва глобал муаммолар, жаҳондаги вазият ривожининг асосий тенденциялари, шунингдек, Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, ШХТнинг нуфузли халқаро тузилма сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, унинг бошқа халқаро тузилмалар билан алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Делегациялар раҳбарлари ҳозирги мураккаб вазиятда Кирғизистон халқи билан бирдам эканликларини изҳор этдилар. ШХТ маконидagi хавфсизлик ва барқарорлик ушбу ташкилотга аъзо ҳар бир давлат, жумладан, Кирғизистон Республикасидаги хавфсизлик ва барқарорлик билан чамбарчас боғлиқдир. ШХТга аъзо давлатлар Кирғизистон Республикаси мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий ахтирлигини эътибор билан қўллаб-қувватлашга тайёр.

Делегациялар раҳбарлари ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2009 йил 15-16 июнь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган мажлисидан кейинги вақт мобайнида Ташкилотни янада мустаҳкамлаш, унинг доирасида сийосий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш, ташқи алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. ШХТ минтақавий иқтисодий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш ШХТга аъзо давлатларнинг хавфсизлик борасидаги устувор вазифаси экани қайд этилди. Тумонлар терроризм, айирмачилик ва экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айлишини ҳамда трансмилий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидладилар.

Учрашув иштирокчилари терроризм, наркотикларнинг ноқонуний айлишини, трансмилий уюшган жиноятчилик таҳдидлари давом этган Афғонистондаги мураккаб вазият юзасидан жиддий ташвиш билдирдилар. Таъкидландики, Афғонистон билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш тўғрисида Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўлиб қолмоқда.

ШХТга аъзо давлатлар халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги савий-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда БМТнинг етакчи ролини таъкидладилар. Улар Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, деб ҳисобладилар ва БМТ шаффецияли ва Афғонистон вакиллари иштирокида Афғонистон Ислом Республикасини тинч ва барқарор давлат сифатида шакллантиришга доир му-

зокаралар жараёнини давом эттириш тарафдоридилар.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, савдо ва инвестициялар учун қулай шароит яратиш, савдо, молия, энергетика, транспорт, коммуникациялар, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника соҳаларидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳасининг ташқи ишлар вазири томонидан маъқуллаш ШХТ Хартияси мақсадлари ва тамойилларига, шунингдек, Ташкилот доирасида қабул қилинган бошқа халқаро шартномалар ва ҳужжатлар қондаларига риоя этиш мажбуриятини зиммасига оладиган минтақавий бошқа давлатлари учун ШХТ очкилигининг тасдиғи бўлди. Мазкур Низомнинг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда бўладиган мажлисида тасдиқлангани ШХТнинг кенгайтириш механизмининг шакллантириш жараёнининг бошланиши бўлади.

Делегациялар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланишини (Тошкент, 2010 йил 5 апрель) қўллаб-қувватладилар. Мазкур декларацияда, БМТ Бош ассамблеясининг 2009 йил 18 декабрдаги А/64/183 сонли резолюциясида белгиланганидек, икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари ўз ифодасини топган.

ШХТнинг доимий фаолият курсидаги органлари хавфсизлик ва барқарорликни, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар ривожланишни таъминлаш масалалари бўйича БМТ, АСЕАН ва бошқа халқаро ташкилотларда ҳамда тузилмалар билан ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш тавсия этилди.

ШХТнинг Тошкент саммитида тасдиқланган Ташкилот процедуралари қондалари ШХТнинг янада изчил ривожланиши ва мустаҳкамлашига, Ташкилотнинг доимий фаолият ҳуқуқий асосларини таъминлаштиришга, қабул қилинган қарорлар ижроси самардорлигини оширишга хизмат қиладди, деб ишонч билдирилди.

Ташкилот доирасида кузатувчи давлатлар ва ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари билан турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

ШХТ Бош котиби М.Иманалиев Ташкилот Котибиятининг ўн йилги фаолияти тўғрисидаги Ҳисоботни тақдим этди ва у делегациялар раҳбарлари томонидан маъқуллашди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазири кенгашининг мажлиси аъза-навий дустлик ва ўзаро ҳамжамиятлик руҳида ўтди.



Алия ЮНУСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ҲўХДП фракцияси аъзоси

Телефон аппаратаги турли ўйинлар, SMS алмашув, клиплар тасвирларга берилиб кетиш нафақат таълим сифати, балки ёшларнинг руҳияти, соғлиғи, маънавиятига жиддий хавф солмоқда. Улар эса бу қони зарар экани, асосий вақти телефон билан банд бўлиб қолаётганини сезмайди.



Умиджон ЭГАМБЕРДИЕВ, Халқ таълими вазирилик маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи

Вазирликнинг тавсияси билан бўлаётган ишлар, афсуски, таълим муассасалари доирасида чекланиб қолади. Кўтарилаётган масалани бартароф этиш учун эса том маънода жамоатчиликнинг иштироки зарур. Бунинг учун мазкур соҳада махсус қонун қабул қилишнинг вақти келди, деб ўйлайман.



Сайдмурод САИДАЛИЕВ, Соғлиқни сақлаш вазирилик Санитария эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи

Исботланган ҳақиқат шунки, мобил телефоннинг бола организмига салбий таъсири жуда катта. Шунинг учун нафақат таълим муассасаларида уяли алоқадан фойдаланишни қонун билан тартибга солиш, балки ундан фойдаланиш қоидаларини улар онгига сингдириш керак.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

уяли алоқа воситасидан фойдаланишни тартибга солиш масаласи ҲўХДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган семинарда муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Лекция масаланинг ўзига хос мунозара томонлари ҳам йўқ эмас. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзгиримиз, азалий қадриятларимизга ёт турли хужурлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган гаразли ҳаракатлар қўйиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр бўлишга давлат этади.

Шу нуқтаи назардан фарзандларимизни бугунги замонвий алоқа воситаларидан, хусусан, уяли телефондан кенг фойдаланиши айрим эътирозларни келтириб чиқармоқда. Уяли телефондан ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланиш фарзандларимизнинг маънавий олами ва соғлиғига қандай таъсир кўрсатмоқда? Ёшларимизни уяли телефон орқали узатилётган, миллий қадриятларимизга ёт зарарли ахборотлардан қандай муҳофаза қилиш керак? Ёшлар ўртасида уяли телефондан фойдаланишни тартибга солиш керакми-йўқми?

Таълим муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланишни қонун билан тартибга солиш масаласи фракциямиз томонидан ўтказилган қатор тадбирларда ўқитувчи ва мураббийлар, шифокорлар, мутахассислар томонидан кўтарилди. Шундан келиб чиқиб, биз бугун сиз билан шу масалани муҳокама этамиз.

Алия ЮНУСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ҲўХДП фракцияси аъзоси:

— Вояга етмаганларнинг уяли алоқа воситасидан чекловсиз фойдаланиш масаласи бутун дунёда катта муаммага айланган. Кўпгина ривожланган давлатлар бу муаммони расмий даражада муҳокама этмоқда. Ўзбекистонда ҳам ўрта, ўрта махсус таълим даргоҳларида тахсил олаётган ёшлар ўртасида мобил телефондан фойдаланувчилар сони торабра қўлайиб борапти. Бу эса нафақат таълим тизими, балки ижтимоий ҳаётда ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқарапти.

Мутахассисларнинг фикрича, телефон аппаратадаги турли ўйинлар, SMS алмашув, клиплар, тасвирларга берилиб кетиш нафақат таълим сифати, балки ёшларнинг руҳияти, соғлиғи, маънавиятига жиддий хавф солмоқда. Улар эса бу қони зарар экани, асосий вақти телефон билан банд бўлиб қолаётганини сезмайди. Шунинг учун ҳам уларни бундай хатардан асраш бизнинг бурчимиздир.

Кўпгина хорижий мамлакатларда олимлар, мутахассислар вояга етмаганлар ўртасида уяли алоқа воситасидан фойдаланиш омаллашиб кетаётгани натижада юзага келаётган муаммолар ҳақида бонг урмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Франция, Германия, Испания, Буюк Британия

олимлари болаларга мобил телефондан фойдаланишни имкон қадар чеклашни тавсия этмоқда. Буюк Британияда 2001 йилда мактабда уяли алоқа воситасидан фойдаланиш таъқиқланди. Шунингдек, Италия, Чехия, Ҳиндистонда ҳам шундай таъқиқлов жўрд.

Умиджон ЭГАМБЕРДИЕВ, Халқ таълими вазирилик маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи:

— Бугун ҳақиқатан ҳам, ёшларда уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш жуда муҳимдир. Халқ таълими вазирилик томонидан тизимдаги муассасаларда мобил телефондан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда ёшларни инфор- мация хужурлардан асрашга оид тавсиялар ишлаб чиқилган. Аммо бу борада қонун ҳужжати ишлаб чиқишга эҳтиёж сезилмоқда. Чунки, тавсия билан қонуннинг жуда катта фарқи бор.

Вазирлик томонидан Тошкент шаҳрининг қатор мактабларида ижтимоий сўров ўтказилди. Унда қатнашган аксарият ўқитувчилар дарс жараёнида уяли алоқа воситасидан фойдаланишни таъқиқлаш зарурлигини таъкидламоқда. Чунки, мобил телефондан истаган вақтда бемалол фойдаланиш таълим сифатининг пасайишига, олиб келмоқда, таълимдан қўзланган максатни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳужуми дарога келдимиз, демак, таълим-тарбия олиши керак. Бунда ҳеч нарса уни қалгитмаслиғи лозим.

Шундан келиб чиқиб, вазирлик томонидан мактабларнинг ички тартиб- қоидалари қайта кўриб чиқилди. Унда мобил алоқадан фойдаланиш масаласи алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, мактаблар ва ота-оналар ўртасида шартнома имзоланмоқда. Унда мактабда мобил алоқадан фойдаланиш масаласида томонларнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Талаб шундайки, ўқувчи мактабга келганидан сўнг уяли алоқа воситасини ўчириб, гилофи билан сумкасига солиб қўйди. Катта та- нафус вақтида ота-онасига қўнғирқоқ қилиши мумкин. Дарс жараёнида эса ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам уяли алоқадан фойдаланиш мумкин эмас.

Мобил телефони орқали мактабга инсон шавни ва қадр-қимматини камситувчи, маънавий бузуқликни тарғиб этувчи, умумэътироф этилган ахлоқий қадриятларга зид, ўқувчиларнинг жис- мувий жарима ундириб олиниди. Шунингдек, диний ва миллий низо келтириб чиқарувчи, диний аксидапарастлик ва миссионерлик билан боғлиқ ҳар қандай қўнғирқоқ ахборотларни олиб кириш ва тарқа- тиш, ўқувчиларнинг ёшга ҳамда иж- тимой ҳолатига тўғри келмайдиган уяли алоқа операторлари тақлиф эта- диган хизматлардан фойдаланиш, мак- табда мобил телефоннинг ўта банд

овозда созилиши таъқиқланади.

Вазирликнинг тавсияси билан бўлаётган ишлар, афсуски, таълим муассасалари доирасида чекланиб қолади. Кўтарилаётган масалани бартароф этиш учун эса том маънода жамоатчи- ликнинг иштироки зарур. Бунинг учун мазкур соҳада махсус қонун қабул қилишнинг вақти келди, деб ўйлайман.

Сайдмурод САИДАЛИЕВ, Соғлиқни сақлаш вазирилик Санитария эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи:

— Ҳақиқатан ҳам, бугун муҳокама эти- лаётган мавзу жуда долзарб, у дунё микёсида кўпчиликни ташвишга сола- ётган масала. Вазирлик томонидан уяли телефон воситасининг инсон са- ломатлиғига таъсири ўрганилган ва шунга асосан санитария қоидалари, мейёрлар ишлаб чиқилган. Лекин фан- техника ривожланиши билан уяли те- лефоннинг марказлари, ишлаб чиқариш техноложиялари ўзгариб борапти ва шунга яраша уларнинг инсон органи- змига таъсири ҳам кучаймоқда.

Бугун ҳаётимизни уяли алоқасиз та- саввур этиш қийин. Шунинг учун уни мутлақо чеклаш жоиз эмас. Фақат мей- ёр даражасида, фойдаланиш қоидала- ри риоя қилиб ишлатилса, инсон организмга салбий таъсири бўлма- ди. Айни пайтда кўпчилик мактаб ёши- даги болалар мобил телефондан фой- даланмоқда. Бу бир томондан ота-она билан бола ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қилса, иккинчи томон- дан боланинг ёши, ўсиб келаётган организмга, асаб тизимига жиддий таъсир қўрсатади. Шунинг учун улар тегишли қоидаларга қатъий риоя қили- шни талаб этилади. Жаҳон соғлиқни сақ- лаш ташкилоти мобил телефондан қисқа муддат фойдаланиш зарурлигини таъкидламоқда.

Исботланган ҳақиқат шунки, мобил телефоннинг бола организмига сал- бий таъсири жуда катта. Шунинг учун нафақат таълим муассасаларида уяли алоқадан фойдаланишни қонун билан тартибга солиш, балки ундан фойда- ланиш қоидаларини улар онгига синг- дириш керак. Ўсиб келаётган йигит- қизлар масалага онгли муносабатда бўлишни таъминлаш зарур.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ўрта махсус касб- ҳунар таълими маркази бошқарма бошлиғи Музаффар Комилов, Ички ишлар вазириликнинг ҳуқуқбузарлик- ларнинг олдини олиш бош бошқар- маси инспектори Одибек Бобонов, Бош прокуратуранинг вояга етмаган- лар ҳақидаги қонунлар ижроси усти- дан назорат бўлими прокурори Олим- жон Эшбоқов, «Камолот» ЕМХ Марка- зий кенгаши бўлими мудир Оллоёр Бобонов ва бошқалар ҳам мазкур ма- сала юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда айрим хорижий мамлакатларда ёшлар ўртасида уяли телефондан фойдаланишни тартибга солиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Уяли телефондан чекловсиз фойдаланиш таълим олиш жараёнига, сало- матлик ва маънавиятга салбий таъсир кўрсати- шини инobatга олиб, қонунчиликда ёшлар ўртасида уяли телефо- лардан фойдаланишда маълум чекловлар ўр- натиш талаб этилмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатлардаги тажри- бани ўрганиб, бу йўна- лишдаги қонунчилигимиз- ни янада такомиллашти- риш зарурлигини ҳаёт- нинг ўзи тақозо этмоқда.

Кун тартибидagi масала батафсил муҳокама этилганидан сўнг ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш, бунинг учун зарур бўлса, баъзи бир қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга кели- шиб олинди.

Беход ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири, В. ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.

«Соғлом она — соғлом келажак»

Асака шаҳридаги маданият ва исти- рохот боғида шу шнор остида фес- тиваль ўтказилди

Тадбирда «Ибратли қай- она», «Еш оила — 2010», «Ибратли келин» танлов- ларининг гойиблари тақ- дирланди. «Ибрат макта- би», «Қайоналар макта- би» томонидан олиб бо- рилаётган ишларнинг кўр- газмалари намойиш қи- линди. Уй бекалари ўр- тасида бадий гимнас- тика ва спорт мусобақа- лари уюштирилди.

Фестиваль иштирокчи- лари учун танлиқли хонан- далар ижросида концерт дастури уюштирилди.

Адиодилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Жамғариб бориладиган пенсия — ижтимоий муҳофаза кафолати

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар энг аввало халқимизни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ва турмуш фаро- вонлигини оширишга қаратилган. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдорининг босқичма-босқич кўтарилиб бориши бунинг ёрқин далилидир. Ўз навбатида, ижтимоий тўловлар, хусусан, Пенсия жамғарма- си ва жамғариб бориладиган пенсия маблағларини зарур миқдорда шакллантириш ҳамда уларни эгаларига ўз вақтида етказиб беришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тан олиш керак, бундан бир не- ча йил илгари мазкур йўналишда баъзи бир муаммолар мавжуд эди. Президентимиз ва ҳукуматимиз бу масалани ҳал этиш мақсадида маблағ тўловчи қорхона ва таш- қилотларнинг масъулиятини оши- риш, бундай ижтимоий аҳамиятга молик маблағларни ўз вақтида, етарли миқдорда тўлаб бориш та- лабини қўйди. Натижада давлат бюджетига ундирилаётган даро- мад солиғи ҳисобидан ишчи ва киз- матчиларнинг ҳисоб ваарағига ке- либ тушадиган пул маблағлари ошиб

бормоқда. Биргина жорий йилнинг биринчи чорағида вилотиимизда- даги 19808 қорхона ва ташкилот- да ишловчи 362464 ишчи-хизмат- чи ҳисоб ваарағига 1 миллиард 740 минг 888 сўм ўтказилди. Сўнг- ги беш йил мобайнида эса бу ра- қам 17 миллиард 19 миллион 643 минг сўмга етди.

Солиқ идоралари ўз ваколатла- риға кўра бу борада кузатув ва теширишлар ўтказиб, аниқланган камчиликларни тезда бартароф этиш чораларини қўришлари ло- зим. 2010 йилнинг 1-чорағи мо-

ҲўХДП: электорат манфаати

айниқса, хусусий савдо ва умум- овқатланиш тармоқларида, фер- мер хўжалиқларида ишчи-хизмат- чиларга ҳужжат бўйича кам иш ҳақи ҳисобланиб, унга нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий ва иш ҳақидан ушланадиган тўловлардан қочиш, «конверт» усулида иш ҳақи бериш ҳолатлари кузатилмоқ- да. Бундай «рабатлантириш» усу- ли иш берувчи томонидан ишчи- хизматчилар манфаатларига тамо- мида зид ҳаракатдир. Нимага де- ганда, ёшга доир пенсияларни та- йинлашда унинг миқдори иш ҳақи- га нисбатан ҳисобга олинади. Хо- латимнинг ишлаган даврида ҳисоб- ланган иш ҳақи қанча кўп бўлса, унга тайинланадиган пенсия миқ- дори ҳам шунга яраша бўлади. Иш ҳақини яширишча бериш эса ке- лмишида қорхона ишчисига жуда кам миқдорда пенсия таъинлашга олиб келади. Кўриниб турибдики, бундай ноқонуний ҳаракатни амал- га оширган иш берувчи солиқ тўлашдан қочиш, нафақат давлат ҳазинасига зарар етказиши, балки ўз ҳодимларининг ҳам қонуний манфаатларини чеклаб қўйди.

Президентимизнинг 2008 йил 29 декабрдаги қарори билан барча хўжалик юритувчи субъектлар учун хар бир ҳодим ҳисобига энг кам бўлмаган миқдорда, фер-

мер хўжалиқлари учун эса хар бир ҳодим ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда яго- на ижтимоий тўловлар ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибга риоя этилди. Белгиланган тартибга риоя қилинмаган тақдирда давлат солиқ хизмати идораларига тўловчининг иштирокида қўлатилган фойда ҳисобидан ягона ижтимоий тўловни унинг белгиланган миқдоридан ке- либ чиққан ҳолда тўлиқ ундириб олиш ҳуқуқи берилди. Бу ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда ўтган йил яку- ни билан жами 1 миллиард 618,2 миллион сўм маблағ жамғармага қўшимча ундирилди.

Юқорида номи келтирилган қар- рорга мувофиқ ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори кир- тишлиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни тартибга чиқар- иш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик Низом ишлаб чиқил- ди. Эндиликда барча хўжалик юри- тувчи субъектлардан мазкур Низом- га қатъий амал қилиш талаб эти- лади. Шунда ишчи-ҳодимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, пенсияга чиқариладиган етарли миқ- дорда маблағ билан таъминланиш- лари кафолатланади.

Сирожиддин ЭШМАТОВ, Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Истеъдодли мураббийлар фестивали

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Юнус- обод туман ҳалқ таълими бўлими ташаббуси билан «Истеъдодли мураббийлар фестивали»нинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Унда тумандаги 40 та умум- таълим мактаби ҳамда 61 та мактабгача таълим муассасаларининг ўқитувчи-мураб- бийлари ва тарбиячилари иштирок этишди.

— Бу фестивал ўқитув- чи-мураббийлар ва тарбия- чиларнинг миллий санъати- миз, урф-одатларимиз ҳам- да халқ чолуғ асосларини қанчалик даражада қаба- дор эканлигини кўрсатиб бер- ди, — дейди Тошкент ша- ҳар педагог кадрларни қай- та тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг мак- табгача, бошланғич ва мах- сус таълим кафедраси до- центи Эура Фаизова.

Тадбир сўнида хонимлар томонидан иштирокчиларга эсдалик совғалари топши- рилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Хорижда



Жорий йилнинг 7 июнидан эътиборан Россия ва Бразилия ўртасида борди-келдилар визасиз амалга оширилади.

ВИЗАСИЗ ТАРТИБ

амалга жорий этилади

Россия президенти Дмитрий Медведев билан Бразилия президенти Игнасио Лула да Силванинг Москвада бўлиб ўтган музокараларидан сўнг ташкил-лаштирилган матбуот анжуманида бу ҳақда алоҳида таъкидланди, дея хабар беради «Новости» АА.

2008 йилда имзоланган, бу йилдан эса кучга киради. Шу муносабат билан тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш масаласини ҳал этиш учун махсус комиссия тузилди. Россия — Бразилия ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар 1990 йилдан бери амалга оширилмаётган эди.

Аргентина президенти Кристина Фернандес де Киршнер хоним ўтган ҳафта Лавозимига сайланган Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмеронга мактуб ёзиб, айтиб дамда икки давлат ўртасида талаш бўлиб келатган Мальвин (Фолкленд) ороллари атрофида нефть разведкаси олиб боришни тўхтатишларини сўради. Аргентина ҳукумати сайти бу ҳақда хабар тарқатди.

НЕФТЬ РАЗВЕДКАСИ

тўхтатилишини сўради

Маълумки, жорий йилнинг 6 майда Британиянинг «Rockport Exploration» нефтьга компанияси Мальвин ороллари атрофида илк бор нефть кони очганини тўғрисида баёнот берганди. Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда, Мальвин ороллари атрофида аниқланган нефть захиралари 60 миллиард баррелдан ортади.

Аргентина ва Буюк Британия дипломатик алоқалари 1990 йили қайта тикланган. Аммо расмий Буэнос-Айрес ороллари Аргентинага тегишли, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам расмий Буэнос-Айрес расмий Лондоннинг архипелагда нефть қазииш ишларини бошлаб юборганини БМТнинг бу борадаги қарорига ҳурматсизлик, дея баҳоламоқда.

Эслатиб ўтамиз: Атлантика океани жануби-ғарбида, Аргентина қирғоқларидан 500 километр узоқликда жойлашган Фолкленд ороллари XIX аср бошларида Аргентинага тегишли, деб эълон қилинган. У Аргентина аъналарига қўра, Мальвин ороллари, деб ҳам юртилиди.

